NKMK
Snartnomalarni kuzatib borish bo'limi
RO'YXATGA OLINDI
№ 421
20 21y "19" 05

**"Навоий КМК" давлат корхонаси**
**Бош директор ўринбосари**
**Махсус комиссия Раиси**

**"Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси**
**энг яхши тижорат таклифини танлаш бўйича махсус комиссиясининг**
**2021 йил "____" майдаги ______-сонли йиғилиш**

# БАЁНИ

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Барабан типидаги кўчма ёмғирлатиб суғориш тиркамаси сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаш тартиби бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот.
2. Келиб тушган тижорат таклифларини баҳолаш ва таққослаш.
3. Энг яхши танлов ғолибини эълон қилиш.

**КЎРИБ ЧИҚИЛДИ:**

1. Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 9 мартдаги 07-04-02/2664-сонли ""Дўстлик" агрофирмасининг мевали боғ ва экинзорларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш тўғрисида" ги мажлис баёни ижроси таъминлаш, ҳамда "Дўстлик" агрофирмаси озуқабоп экин майдонларида сувни тежайдиган 2-дона барабан типидаги кўчма ёмғирлатиб суғориш тиркамаси сотиб олиш мақсадида 2021 йил 30 апрел куни НКМК махсус комиссияси томонидан Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига 2628666-сонли лот билан энг яхши тижорат таклифини танлаш бўйича эълон жойлаштирилди.

2. Тижорат таклифлари тақдим этиш якунига кўра (10.05.2021) қуйидаги тижорат таклифлари келиб тушди:

| т/р | Кўрсаткич номи | Танлов иштирокчилари | |
|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 |
| 1 | Тижорат таклифининг санаси ва чиқиш рақами | *10.05.2021 йил 10/05/21-сон* | *10.05.2021 йил 598-сон* |
| 2 | Етказиб бериш муддати | *45 календар иш кунида* | *45 банк иш кунида* |
| 3 | Етказиб бериш шартлари | *Сотиб олувчи томонидан* | *Сотиб олувчи томонидан* |
| 4 | Тўлов шартлари | *50% олдиндан тўлов* | *100% олдиндан тўлов* |
| 5 | НКМК ДК томонидан тақдим этилаётган хизматдан фойдаланилганлиги | *Йўқ* | *Йўқ* |
| 6 | Етказиб бериш учун балл | *2* | *1* |

## ҚАРОР:

1. Келиб тушган тижорат таклифларини баҳолаш ва таққослаш натижаларига кўра, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини инобатга олган холда, 2021 йил 10 майдаги 10/05/21-сонли тижорат таклифи энг яхши таклиф деб топилсин.

2. Баённома тасдиқланган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мобайнида жамоат муҳокамаси учун 262866-сонли лот билан НКМК ИСОФМБ мазкур йиғилиш баёни Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

3. Қуйидагишартлар асосида 1 рақамдаги ташкилот билан шартнома имзолансин:

– товар моддий бойликларнинг умумий суммаси 624 000 000.0 сўм;

– етказиб бериш муддати– 45 календарь иш кунида;

– етказиб бериш шарти – сотувчи омборхонасидан сотиб олувчи автотранспортида олиб кетилади.

Шартнома имзолаш муддати ушбу баённома имзолангандан сўнг 10 муддатда амалга оширилади.

**Овозберди: “рози” –** 5 **“қарши” –** йўқ **“бетараф” –** йўқ

Махсус комиссия котиби О.Кучкаров